

---

## САЙЁР ҚАБУЛДА

Бугун Қўштепа тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари И.Новиковнинг Истиқбол маҳалла фуқаролар ийғинида навбатдаги сайёр қабули ўтказилди. Унда туман ҳокимининг ўринbosарлари ҳамда мутасадди корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этишди.

Қабулда фуқароларнинг электр ва сув таъминоти, йўлларни шағаллаштириш ва таъмирлаш, тадбиркорлик ва бошқа масалалар бўйича мурожаатлари тингланди. Ҳар бир мурожаатни белгиланган тартибда ўрганиб, қисқа муддатларда ҳал қилиш бўйича туман ҳокими томонидан ташкилот раҳбарларига топшириклар берилди.

Қўштепа туманининг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган Истиқбол маҳалласида “Обод қишлоқ” дастури доирасида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Туман ҳокими бугун ушбу маҳаллада дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам яқиндан танишди.

Қўштепа тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-03-05 21:32:57